







Раззоқ ХАМРОЕВ таваллудининг 90 йиллигига

Бахриддин НАСРИД ИМОВ, театрушунос олими, мунаққид.

Бу воқеанинг содир бўлганига қарий чорак аср бўлиб қолди. Тошкентнинг Марказ-1 мавзеида 70-йилларда Ўзбекистон театр намоёндаларининг «Актёрлар уйи» фаолият кўрсатиб келарди. Унинг шинамгина залида ҳар ҳафтада машҳур театр арбоблари билан кизикarli ижодий учрашувлар, томошабинлар конференциялари, кизгин баҳслар бўлиб турарди. Едимда, навбахор чоғида мана шундай ижодий кечалардан бири машҳур театр ва кино актёри, Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофоти совриндори Раззоқ Хамроев ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилди. Устоз санъаткор ижросида саҳнада сиймоси яратилган қаҳрамонларнинг оташин монологлари янгради, Раззоқ ака Хофиз Шероий, Фузулий газалларидан ўқиди, буюк Алишер Навоий сиймосини, саҳнада ва кинода яратиб жараёндаги машаққатли ижодий изланишлар ҳамда эришилган самаралар тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Учрашувда бир санъат мухлиси кутилмаган савол бериб қолди. «Раззоқ ака, Навоий Астрободда бўлганлар, Маккага эса боролмай, «Хаж» қилмадилар, армонлари қалбда кетган, драмада кўрсатишчида, у пайтда салтанатдаги вазият, нотинчликлар бунга сабаб бўлган... Хўш, ҳазрат Алишер мазоийдаги етти мўъжизадан бирининг ошени, Искандариядаги дунёга доғру солган Зулқарнайнинг беназир кутубонасида бўлганларми?»

Бундай галати, ногаҳоний саволдан Раззоқ Хамроев сукунат қолди, аммо ўзини йўқотмади. «Агар рози бўлсангиз, — деди, — бу саволингизга Ҳазрат ҳақида мендан ҳам

кўпроқ маълумотга эга Хўжа Насриддин Ҳамроевнинг «Ушба» романида, у бир зумда Хўжа Насриддин қиёфасига кирди, қулгили макомда сўзлай кетди: — Хўй, садаган кетай, Хамроевнинг саволига тўтмай, бундан мендан сўрай қолмайсанми... Навоий, албатта, Искандарияда бўлганларда, Уша машҳур кутубхонадаги антика, ҳар саҳифаси олтин жавоҳирлар билан битилган китоблардан ҳам

Умрбоқий

бахраманд бўлганлар. Бўлмаса «Сади Искандарий» асарини ёза олармидилар! У ерда наинки Алишер, мен ҳам бўлганман, кемада эмас, эшагимга миниб борганман... Энди, жигар-муҳлис, Мисрга келсак, нахотки Искандариягача борган Навоий Мисрнинг бошқа шаҳарларини ҳам зиёрат қилмасанми... Қилган, садаган кетай, қилган. Энди бугунги Раззоқ Хамроевнинг ўзидан эшит!»

Шундан сўнг «ўзга»лар қиёфасига киришга ўта моҳир санъат устаси Хўжа Насриддин қиёфасидан чиқиб, залдагиларга қарата: «Насриддиннинг сўзларига ишонинг, у эшагига миниб, ҳажонинг кўп ерларидан бўлган, менинг ёрдамимда, албатта... Энди Мисрга келсак, Навоий унинг кўҳна, гўзал шаҳарларини ҳам кезиб чиқкан. Бунда ҳам менинг санъатим ва «Алишер Навоий» бадий фильми боис... Ҳазрат Навоий Коҳира, Лухсор, Корнақларда ҳам бўлганлар, Фиръавнлар мангу уйкуга кетган эҳромлару, пирамидалар-

ни ҳам зиёрат қилганлар», деганди. Ҳа, инсонийлик, умумбашарий муҳаббат, яратувчанлик ва эзгуликни тараннум этган, неча ўнлаб саҳна ва экран асарларида сўнас сиймолар яратган Раззоқ Хамроевнинг ўзи ҳам ноёб иқтидори, беназир ижрочилик санъати билан маданий ҳаётимизда ўчмас из қолдириб кетди, мангуликка юз тутди.

1910 йилда таваллуд толган Раззоқ Хамроевнинг болалик ва ўсмирлик чоғлари Бухоронинг «Тезгузари»да ўтди. Ёшлиқдан кизикчи, масҳарабозлар чи-

қишларини кўриб завқланди. Санъатда меҳр кўйди. Кейинчалик халқдан олган дурдоналар санъаткор бўлиб етишганда асқотди. 1930 йилда Тошкентдаги ўқувчилар тайёрлайдиган институтни тугатди. Профессори саҳнадаги ҳаётини Наманган мусикали драма театридан бошлади. Аввал актёр, кейин режиссёр бўлди. 1946 йилдан то умрининг охиригача Муқимий номидаги республика мусиқий театрида етакчи актёр, режиссёр ва кўп йиллар бош режиссёр, бадий раҳбар сифатида самарали фаолият кўрсатди. Унинг актёрлик санъати солномаси 120 дан зиёд ранго-ранг саҳна образлари билан йўғрилган бўлиб, булар силсиласида Шиллернинг «Макр ва муҳаббат»идаги Фердинанд, Гоцнинг «Малика Турандот»идаги Пантрон, Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин»идаги Хисрав, Шекспирнинг «Ун иккинчи кеча»идаги Мальволио, Лопе де Веганинг «Кўзибулок» асаридаги командир, Собир Абдуллуланинг «Мавлоно Муқимий»идаги Муқимий, Иноят Махсумовнинг «Навоий Астро-

бодда» пьесасидаги Алишер Навоий, Гольдониинг «Мехмонхона бекаси» асаридаги Труфальдино ва бошқалар бор.

Улкан актёр жуда кўп кино фильмларда ҳам бадий жихатдан етук, фалсафий мушоҳадаси теран сиймоларни яратди. Айниқса «Алишер Навоий», «Насриддиннинг саргузаштлари»да яратган Навоий ва Хўжа Насриддин сиймолари билан умумжаҳон кинематография санъати хазинасига катта ҳисса қўшди. Ушбу икки бадий фильмдаги маҳорати билан санъаткор ўзининг ижро салоҳияти, диапозони нақадар кенглиги, драма ва кино соҳасидаги мураккаб ролларни маромига етказиб ижро эта олишини амалда намойиш қилди.

Р.Хамроев — режиссёрнинг ижодий изланишлари, саҳнада катта маҳорат билан мужассам этган 70 дан зиёд турли мавзудаги спектакли театр маданиятимизни бойитди.

Устоз санъаткор, салоҳиятли мураббий кўп шоғирдларни тарбиялаб етиштирди. Ота изидан борган фарзандлари Жавлон Хамроев танкили киноактёр, Гули Хамроев ва балерина бўлиб етишди. Алишер — спорт устаси, набиралари орасида ҳам кино артистлари, раққослар мавжуд. Раззоқ Хамроев етакчи педагог ва профессор сифатида Тошкент театр санъати институтида самарали меҳнат қилди. Улкан санъаткорнинг хизматлари юксак баҳоланди — унга «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилган. Давлат мукофотлари совриндори эди. Санъатимиз равақда экан, устознинг номи, яратиб кетган мактаби умрбоқийликка юз туттай...

Ота-она — олтин қанот.



СУРАТДА: «Муқимий» спектаклидан саҳна. Муқимий ролида Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Хамроев. Сурат муаллиф архивидан олинди.

Ўзбек кураши — Ирландияда

Маълумингизким, кейинги йилларда ўзбек кураши дунёни қамраб олмоқда. Жаҳоннинг барча мамлакатларида ўзбек кураши федерациялари очилмоқда. Кўни кеча шу йилнинг июл ойида Халқаро кураш ассоциацияси аъзолигига кирган Ирландия Кураш федерациясидан хушхабар олдик. Унда айтилишича, 2000 йилнинг 25 ноябрда Ирландия пойтахти Дублин шаҳрида ўзбек кураши бўйича ушбу мамлакатнинг

биринчи миллий чемпионати бўлиб ўтар экан. Чемпионат усмирлар, катталар, аёллар, қизлар ўртасида 33 та вазн тоифасида уюштирилиши кўзда тутилган. Ирландияда ўзбек кураши федерациясининг очилиши ва тез кунда мамлакат чемпионати ўтказилиши миллий спортимизнинг дунё узра яна бир кутлуг қадами бўлса, ажаб эмас.

Ўз мухбиримиз.

Журналларнинг саҳифаларида

«Мулоқот»нинг ЯНГИ СОНИ

Ғулом ПРИМОВ.

«Мулоқот» журналининг 2000 йилдаги энг охириги сони ҳам чоп этилди. У Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Олий Мажлис депутати Омон Олимжоннинг «Ҳаётимизнинг асосий қонун»и мақоласи билан охирилади. Ҳар галгидек 6-сонда ҳам миллий мақсудга доир ҳозиржавоб мақолаларни ўқиймиз. Бу гал Ойбек Жумаев, Бахриддин Маннопов, Абдураҳмон Ортиқов, Фания Аҳмедшина, Муҳиддин Назаровларнинг ушбу масалага доир мақолаларини мутлола қиласиз. Кириб келаётган 2001 йилда ўзбекистон забардаст шоири, сўз мулкининг соҳибқирони Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги нишонланади. Янги сонда ўзбек шеърятини

юксакликка кўтарган бу улуг бобомиз ва унинг замондоши, қасида жанрининг устунларидан бири Саккокий ҳақида профессор Назар Ражабовнинг мақоласини ўқийсиз. Журналнинг ушбу сонидаги Давлатмурод Саъдуллаевнинг «Олимнинг кашф этилиши», ёзувчи Маҳкам Маҳмуднинг «Маҳмуд Торобий — халқ халоскори», адабиётшунос Абдулғафур Расулдиннинг «Олим замнатининг баҳоси» мақолалари ҳам қизиқчи билан ўқилади. Унинг саҳифаларидаги шоир Тошўлат Аҳмаднинг лирик ва ўйноқи шеърлари, «Ўғизхон ва Евзхон» ҳақидаги манзумаси, Ориф Усмоннинг фалсафий рубойлари, Муҳаммад Ҳазратнинг Шайх Нажмиддин

Куброга бағишланган шеъри, машҳур муаррих Мирхондиннинг «Раззатуссафо» асаридан парча ҳам албатта эътиборингизни тортарди. Янги сон муқовасини истаёдолли музаавир Турсунали Қўзиёвнинг «Мунаввар Қор» асари беэзаб турибди. Эндиликда нафақат тарихимиз, балки бугунги кунимиз муаммолари ва келажак учун жонқурлик ҳам журналнинг асосий мавзусига айланган. Шу боис, юртдошларимиз журналга катта ҳоҳиш ва истақ билан обуна бўлишмоқда.



Маънавият

О.УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзини, Усмон Бекмуродовман, Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиги (Денов тумани) ишчисиман, деб таништирган киши кутубхоналарингиз қаерда, деб берган саволимизга елка қисди. Билмаслигини билдирди. Кутубхоналар... бормикин ўзи, деган маънода бизга қаради.

Ҳўжаликда кутубхоналар бор. Учта. (Мактаб кутубхоналари бундан истисно). Шуллардан биттаси болалар бочқасининг ҳовлисида, бир ҳўвучига иморатда жойлашган. Кутубхона сатҳи 20 квадрат метрча, учта столи, учта стули бор. Шу учта стулнинг ҳам биттасига қоғозлар тахлаб қўйилган. Ичкарига икки киши кирса, тикилиб қолади. 4 мингга яқин китоб ҳам бу ерда... тикилиб ётибди.

Кутубхона мудираси Хурматой Шоймардонова бу ерда «Соғлом авлод йили», «Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги» сингари кўрғазмаларни ташкил этмоқчи экану, лекин шариот — жой торлигиндан бу ишларни қила олмаган. Кутубхона шу йилнинг олти ойида 8 та янги китоб олибди.

КУТУБХОНА... ҚАЕРДА?

6-бригаданинг дала шийпони деб аталадиган (15-кутубхона шу шийпонда жойлашган) иморатнинг ивирсиган ҳолатини кўриб «Янгибод» кишлоқ фуқаролар йиғини котиби Абдусаттор Муродовнинг асаблари қақшаб кетгандай бўлди. Клуб мудир Файрат Турдиқуллова у-бу эътирозларини билдирди.

Кутубхонага занглананмо кўлф урилган. Кутубхоначи Улои Мансуровнинг уйига юборилган чопар қўлтигига уриб қайтди: кутубхоначи таъзияда экан. Уйда йўқ. Кутубхонанинг калити ҳам топилмабди. Хуллас... Хуллас, шундай бўлгач, Усмон Бекмуродова ўхшаганлар кишлоқларида кутубхона бор-йўқлигини қаердан ҳам билишсин.

Жарқўргоннинг «Янги усул» кишлоқидан Боймурод Жўраев деган киши (у ҳам ишчи) бизни кутубхоналарига бошлаб борди. Боймурод — қирқ ёшда. Ойига ўнга китоб ўқир экан. Яна қандай китоблар денг: — «Лазор», «Сунани Термизий», «Мартин Иден», «Ун икки стул»... — Худоба шукр, одамла-

римиз кўп ўқишади, — дейди «Янги усул»нинг кутубхоначиси Қизилтўра Тоғаймуродова. — Китобхоналаримизнинг аксарияти — ёшлар. Фақат... Газеталар йўқ. Бунга катталаримиз уйлаб кўришса, дуруст бўлармики.


Қизилтўра опа ўттиз йил кутубхоначи бўлиб ишлабди. Ҳамқишлоқларидан ким қайси китобга қизиқишини яхши билади. Китобларни у хонадонларга ўзи элтиб беради. Дам олиш кунларисиз ишлайди.

Биз «Янги усул»га узоқ бўлмаган «Пахтабод», «Исмон телпа» кишлоқ кутубхоналарига (22, 26-тармоқ кутубхоналари) бордик. Кутубхоналар ёпиқ экан. Ҳатто туман марказий кутубхонаси ҳам ёпиқ.

— Кўп ишлайди. Чарчайди. Шанба, яқинба кунлари дам олсин-да, кутубхоначилар ҳам, — дейди Жарқўргон туман ҳокими муо-

вини Тоштемир Хайруллаев ярми ҳазил, ярми чин ва...ярми киноя билан. Шўрчида қизик. Яхши тадбиркор ёки яхши футболчи қатори яхши кутубхоначию, яхши китобхоналар номини ҳам ҳурмат билан тилга олишади. Туманда «Кутубхона ва маҳалла», «Кутубхона — тарихий-маданий меросимиз тарғиботчиси» каби республика кўрик-танловлари ғолиби бўлган кутубхоналар борлиги шу қизиқшар ва ташаббускорлик туфайлидир.

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Шўрчи туман кутубхоналарининг тажрибасини оммалаштирмоқчи, ҳокимлик кутубхоналарини обод қилмоқ учун уч миллион сўм маблағ ажратди. Китоб захираларини кўпайтириш тадбирлари қўрилмоқда. Ажаб эмаски, кутубхоналар Сурхондарёнинг обод масканларига айлиниб қолса.



Хусан СОДИКОВ чизган расм.

Жумбоқ

Бу галги жумбоқ қисқа ва антика. Муз ёрдамида қандай қилиб олов ҳосил қилиш мумкин?



3 ноябрда берилган жумбоқнинг жавоби: ҳар иккала челақ ҳам бир хил оғирликда. Чунки челақнинг бирида сув қамроқ. Уни ёғоч қисиб чиқарган. Архимед қонунига кўра қисиб чиқарилган сув вазни ёғоч ваэнига тенг. Бу ҳақда бухорлик Олимжон Норов, тошкентлик Маъмуржон Хотамов ва Маҳбуба Бекметовалар хабар қилишди.

Advertisement for 'Lok color' (Лоқ қолор) featuring a woman and text about technology and products. Includes contact information for 'Lok color online.ru'.

Advertisement for 'Tashkilot Toshkent shahridagi ombordan kuyidagi yangi texnikalar' (Tashkilot Toshkent shahridagi ombordan kuyidagi yangi texnikalar) listing tractors and filters.

Advertisement for 'UzLITIneftgaz' (ЎзЛТИНефтгаз) OAJ, listing services and contact information.

Table of contents listing various sections and their page numbers, including 'Халқ сўзи', 'Муассислар', 'Бош муҳаррир', 'Тахрир хайъати', 'Бўлимлар', 'Рўйхатдан ўтиш тартиби', and 'Газета PENTIUM-II'.